


Муҳаммад Азиз Марғилоний


ТАРИХИ АЗИЗИЙ



Муҳаммад Азиз Марғилоний

ТАРИХИ АЗИЗИЙ

(Фарғона чор мустамлакаси даврида)



ТОШҚЕНТ «МАЊНАВИЯТ» 1999

Мазкур асар Туркистон чор мустамлакаси даври тарихига оид нодир манбалардан ҳисобланади. Уни Фарғона водийсида ўша вақтда бўлиб ўтган тарихий воқеалардан хабардор ёки уларнинг бевосита иштирокчиларидан эшитганлари, шунингдек ўзи кўрган; лари асосида маҳаллий муаллиф — Муҳаммад Азиз ибн Муҳаммад Ризо ёзганлиги жиҳатидан ҳам диққатга сазовор. Китобда чор ҳукуматининг маҳаллий халқларга нисбатан ўта шафқатсизлиги ҳамда унинг ҳарбий-маъмурий бошқарув гизимининг кирдикорлари атрофлича фош этилган.

Нашрга тайёрловчилар, сўзбоши ва изоҳлар
муаллифлари:

Шодмон Воҳидов,

тарих фанлари доктори, профессор,
Дилором Сангирова.

Масъул муҳаррир: **Азиз Қажумов,** академик.

Тақризчилар: **Асомиддин Урунбоёв,**
тарих фанлари доктори,
Бобур Аминов, тарих фанлари номзоди.

НОШИРЛАРДАН

Ҳозирги кунларда маънавиятимиз негизларига аҳамият беришимиз табиий ҳолатга айланди. Тарихий тафаккур маънавий меросимизнинг энг бой ва мазмунли қатламини ташкил қилади. Ўзбекистон ўз тараққиёт йўлида ва жаҳон тарихий жараёнига кириб боришида ана шу маънавий меросга таянмоқда. Республика президенти Ислам Қаримовнинг тарих фани ривожини ва тарихий тафаккуримизни шакллантиришда олиб бораётган сазой-ҳаракатлари ҳаммага маълум. Ижтимоий фанлар билан шуғулланадиган олимлар ўз фаолиятларида Ўзбекистон тараққиётининг тарихий асослари ва илдизларини кўрсатишга ҳаракат қиляптилар.

Лекин шуни ҳам айтиш лозимки, тарих соҳасидаги ишларни оммавийлаштириш маълум даражада моддий қўллаб-қувватлашни талаб қилади. Бу соҳада ҳам ота-боболаримиздан ибратли анъана ва тажрибалар етиб келган. XX асрнинг бошларида жадидлар кўпгина ишларда бош-қош бўлганлар, давлатманд, саховатпеша ватандошларимиз мактабу мадраса қурганлар, ойнома, рўзномаларни чиқаришга, китоблар нашрига ёрдам берганлар. Улар маънавий жиҳатдан замоналарининг етук фарзандлари бўлган.

Эндиликда ишбилармон ва тадбиркор замондошларимиз ҳам бу ажойиб анъанани давом эттириб кўп хайрли ишларга қўл урмоқдалар. Жумладан, қўлингиздаги китоб Жиззах вилояти Зарбдор туманида яшовчи тадбиркор Улуғбек Сангировнинг моддий кўмаги билан нашр этилди. Ноширлар маърифатпарвар ҳомий дўстимизга миннатдорчилик билдириб, унинг ишларига муваффақият тилайди.

“ТАРИХИ АЗИЗИЙ” АСАРИ ҲАКИДА

Ўзбекистон халқлари янги тарихини ўрганиш бугунги куннинг асосий масалаларидан бўлиб, тарихга ҳолис баҳо беришда манбалар катта аҳамият касб этади. Маҳаллий тарихчиларнинг ёзма тарихий манбаларида халқнинг сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаёти кенг ёритилган.

XIX асрнинг охири XX аср бошларида Қўқон хонлиги ҳудудида 40 га яқин тарихий-биографик, адабий-тарихий асарлар назму насрда, ўзбек, тожик ва араб тилларида яратилган. Жумладан, Фазлий Намангоний, Мушриф Исфарагий, Муҳаммад Ҳакимхон, Аваз Муҳаммад Аттор Хўқандий, Дилшод-Барно, Мутриб, Андалиб, Мулла Шавқий, Муҳаммад Нийёз Хўқандий, Абу Убайдуллоҳ, Муҳаммад Солиҳхўжа, Мирзо Олим, Муҳаммад Юнус Тўйиб, Муҳаммад Азиз Марғилоний ва бошқа тарихчилар уз асарларида XVIII—XIX асрларда Марказий Осиёда муҳим ўрин эгаллаган Қўқон хонлиги тарихидан ташқари жаҳон тарихини, ўлканинг Урта асрлар тарихини ва энг асосийси, Туркистоннинг янги тарихига оид маълумотларни берганлар.

Муҳаммад Азиз ибн Муҳаммад Ризо Марғилонийнинг «Тарихи Азизий» асари ҳам XIX аср тарихига оид муҳим маълумотларни беради. Давр тақозоси билан бу муҳим асар яқингача илмий изланишлар доирасидан четда қолган эди. Тарихимизга ишончли маълумотлар бериши мумкинлиги жиҳатидан «Тарихи Азизий» асари ва унинг муаллифи ҳақида изланишлар олиб бориш ҳозирги кунда долзарбдир.

Шу вақтга қадар ундан Р. Н. Набиев «Қўқон хонлиги тарихидан» номли асарида¹ «Тарихи Азизий»нинг Худоёрхон даврига оид маълумотларидан фойдаланиб, номини «Таснифи Ғариб» деб берган². Кейинги тадқи-

¹ Набиев Р. Н. Из истории Кокандского ханства (Феодальное хозяйство Худаярхана). — Т.: Фан, 1978.

² Уша асар, 15-б.

қотлар асарнинг асл номи «Тарихи Азийий» эканини исботлади³.

«Тарихи Азийий»нинг ягона нусхаси муаллифнинг даскати бўлиб, Ўзбекистон Республикаси ФА Абу Райҳон Беруний номи Шарқшунослик институти қўлёзмалар хазинасида сақланмоқда⁴.

Муҳаммад Азиз Марғилоний ўз асарида тарихий воқеликлар билан бирга ўз таржимаи ҳолига оид кўп маълумотларни ҳам берган. Муҳаммад Азизнинг отаси Муҳаммад Ризо Қўқон хонлари хизматида бўлиб, аслида Наманганнинг Чимёнидан экан⁵.

Россия Қўқон хонлигини тугатгандан сўнг (1876 йил 19 февраль) унинг ҳудудида Фарғона вилояти тузилиб, у бир неча уездларга⁶, уездлар волостларга бўлиниб идора қилинади. Марғилон уезди вилоятда алоҳида ўринга эга бўлган. Муҳаммад Азиз шу уезд бошқармасида хизматда бўлган. У: «...аввалги ҳокимни Бекчурин дер эдилар. Шу ҳокимнинг ўзи [мани] уезд маҳкамасига [ишга] олиб кириб қўйди. Ондан бошлаб иттиҳоси Ирдануфски (Рудановский — Ш. В., Д. С.) деган ҳокимнинг асригача қалам билан хизмат қилиб турдим. Жами 27 йил хизмат қилган эканман...

Янги олган мамлакат учун хизмат жуда кўп. Ҳамиша кундузи иш қиламан то кечгача ва кечаси уйимга қоғозларимни олиб келиб жунбуш қиламан то улуг саҳаргача. Шу минволда аз рўйи ғайрат иш қилар эдим. Ҳар кун ибзган хатларим бир китоб бўлар эди. Шу тариқа юриб эрта билан Эски Марғилондан Янги Марғилон [га] маҳкамага келаман ва кечқурун Эски Марғилонга уйга қайтаман. Таомимни уйда ейман. Шу кайфиятда юриб ўзимдан беҳабар эканман, охири дардманд бўлиб қолдим. Кўзларим хира бўлди. Ойна ушлаб (кўзойнакда) хизмат қиладиган бўлдим. Авқоту манфаат кам»⁷. — деб ўз аҳволидан хабар беради.

Асарда «мусанниф (муаллиф)нинг бу дунёда кўр-

³ Воҳидов Ш. Қўқон хонлигида тарихнавислик мактаби Тарих фанлари доктори /илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация Т, 1998, 207-б.

⁴ Муҳаммад Азиз Марғилоний Тарихи Азийий //Қўлёзма, Ўзбекистон ФА Абу Райҳон Беруний номи Шарқшунослик институти хазинаси. №11108.

⁵ Тарихи Азийий, 237-б.

⁶ О разделении Ферганской области на уезды. /Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат Архиви (Бундан кейин ЎзРМДА). И—19 фонд, 1-рўйхат, 10-йиғма жилд, 1—4-в.

⁷ Тарихи Азийий, 420-б.

ган роҳати ва халойиқдан тортган азоби, мунофиқларнинг ифвосидан алам-дийда, дили мажруҳ бўлганлиги, молу мулкдан ажралгани баёни» келтирилган. Муаллиф бу фаслда маҳкамадаги ўрис тўралари билан қасдлашиб қолганлиги, уларнинг мунообати кескинлашиб борганлигидан иқтисодий қийин ҳолатга тушиб, «бу халқда раҳм-шафқат бўлмас экан, ўрусия ҳеч кимга вафо қилмас, агарда қилса сартия ичидан манга қилур эди»⁸, деб айтилган сўзларида Муҳаммад Азизнинг руҳий-психологик ҳолати баён қилинган.

«Тарихи Азийий» асари фактларга бой бўлиб, унда ишонарли маълумотлар келтирилган. Муаллиф қайда тарихий асар ёки ахборотни кўрган бўлса, ишонганларини, ҳаёти давомида юз берган, ўзи кўрган ёки ҳақгўй қариялардан эшитганларини ёзиб борганини саҳифаларда таъкидлаб ўтгани манбага ишончни кучайтиради⁹.

Муҳаммад Азиз баъзи воқеалар баёнидан олдин ёки ёзилгандан сўнг ахборотчиларнинг номларини ва манбаларини айтиб ўтади. Жумладан, муаллиф «Тарихи Нигористон» (Мавлоно Аҳмад ибн Муҳаммад ал-маъруф ба қози Аҳмад ал-Ғаффорий), «Табақоти Носирий» (Минҳожиддин Абу Умар Усмон ибн Сирожиддин Муҳаммад Журжоний), «Тарихи Гузида» ва «Нузҳат ул-қулуб» (Ҳамдуллоҳ ибн Абу Бакр ибн Аҳмад Носир Муставфий Қазвиний), «Матлаъ ус-саъдайн ва мажмаъ ул-бахрайн» (Камолиддин Абдураззоқ ибн Жалолиддин Исҳоқ ас-Самарқандий), «Зафарнома» (Али Яздий), «Тарихи Аҳмад ибн Аъсом» (Абу Муҳаммад Аҳмад ибн Аъсом ал-Куфий), «Масолик ва мамолик» (Ал-Истахрий), «Ҳабиб ус-сийар фи ахбор афрод йл-башар» (Хондамир—Ғиёсуддин ибн Ҳумомиддин Муҳаммад) ҳамда тарихчи Муқаддасий, «Ҳидояи шарифи имом Бурҳонуддин», «Тарихи Юсуф Сажовандий», «Тарихи Хусрав Деҳлавий», «Тарихи имом, Ёфений», «Марвнинг мухтасар тарихи», «Самарқанд тарихи», «Тузуки Темурий» номларини келтирган. Муҳаммад Азиз «тожик» ва «сарт» сўзларига шарҳ беришда «Ғиёс ул-луғот», «Сирож ул-луғот», «Бурҳони қотеъ» ва «Мунтахаби ҳалли луғот» номли асарларидан фойдаланганлигини алоҳида кўрсатади¹⁰. Муаллиф келтир-

⁸ Тарихи Азийий, 421-б.

⁹ Тарихи Азийий, 8-б.

¹⁰ Тарихи Азийий, 210—216-б.

ган бу рўйхати орқали кўн манбалардан фойдаланганлигини кўрамыз.

Муҳаммад Азиз Марғилоний асари ўзбек тилида бўлиб, 5 боб, 166 фасл ва 436 бегдан иборат. «Тарихи Азийий» асарининг боблари қуйидагича номланган:

Муқаддима. 1—18-б.

Биринчи боб. Чингизхоннинг хуружи, айёми ҳукумати ва вориси тахтларининг урушлари баёни, 20—42-б.

Иккинчи боб. Султон Амир Темур кўрагоннинг қилган ғазовотлари, иқболи саодатлари, тариқаи шукуҳи салтанатлари, хуружи, куч-қуввати ва ҳукумати миқдори ва ҳам валлиаҳд бўлган авлодлари баёни, 42—153-б.

Учинчи боб. Ҳар қайси касбу ҳунар пири рисоласи ҳақида, 156—222-б.

Тўртинчи боб. Фарғона мамолики, яъни соҳиби тахт ҳазрати хонларининг берган ёрлиқлари, 222—236-б.

Бешинчи бобнинг номи йўқ, лекин шу бобда XIX асрнинг иккинчи ярмидан 1910 йилгача Фарғонада рўй берган сиёсий, ижтимоий ва хўжалик ҳаётидаги ўзгаришлар баён қилинган. 237—436-б.

Муҳаммад Азиз Марғилонийнинг «Тарихи Азийий» асарининг бешинчи боби оригинал ҳисобланиб, муаллиф XIX асрнинг 60-йилларидан бошлаб тарихий воқеа ва ҳодисаларнинг гувоҳи сифатида маълумот беради.

Туркистон янги тарихига оид маълумотлар йилнома тарзида баён қилинган. XIX аср охири Қўқон хонлигининг сиёсий воқеалари: Худоёрхоннинг тахт тепасига охириги марта (1868 йил) келиб, «охирги сафар яна тахтга ўтирсам, ҳаммага тенг подшо бўламан, бирини биридан фарқ этмайман», деб Парвардигорга шарт ва ваъда қилгани, Худоёрхон давлати тобора кундан-кунга катта бўлса ҳам, лекин юртларнинг аксар ерларини ўрислар келиб босиб олиб қўйганини маълум қилади¹¹.

Муҳаммад Азиз 1870 йилларда Худоёрхон ўз қўшинларини кўпайтирганлиги (шундан суворий аскарлар сони 25 мингга етган), қишлоқ ва шаҳарларга мардикор солиғи солиб, «Улугнаҳр» ариғини қазиб тугатганлигини, Отақул исмли ботирбошининг кўрсатган зулмларини, яъни «қари мўйсафидлар чарчаб дам олиб турганини кўрса ё эшитиб қолса, дарҳол калтакка»

¹¹ Тарихи Азийий, 312-б.

ётқизгани, ҳатто, бир мўйсафидни тупроқ тагига кўмиб юборганини ва яна ясовул сўзларига қараганда, «Улуғнаҳр»нинг кўтарма қирғоғидан сув уриб кетиб тўхтата олмаганидан «Тўхтасин» исмли кишиларни қирғоқ остига кўмиб юборганлиги ҳақидаги маълумотларни беради¹².

Булардан ташқари у, 1873 йилда Худоёрхон «маҳрум мерос» («меросдан маҳрум») деган буйруқ чиқариб, ўзининг даврида оламдан ўтганлар қолдирган меросга хон ҳам даъвогар бўлиши натижаеида хонликда ички низолар кучайиб кетганини; Пўлатхон қўзғолони, Абдураҳмон офтобачи ва Мулло Исо Авлиёлар тил бириктириб, Сайид Насриддинбекни хон кўтариб, Султон Муродбекни Икки сувга юборганлигини, Худоёрхоннинг рус ҳукумати билан яқинлашганини, лекин шунга қарамай «генерал-губернатор фон Кауфман — яримподшо ҳамма тўпу тўпхона, саллоту аскар, қозоқ ўрус, ҳазинаю дафиналар ва жуда кўп лашкар билан Тошкандан чиқиб, Хўжандга келиб ўтиб, Маҳрам рўбарўсига келиб тушибди. Эрта билан жангу муҳориба бўладиган жойнинг рўбарўсига келиб, назорат қилиб, саллоту генерал, военнуй сардор, пулковник катта туралари... тайёр бўлиб туриб», Фарғонада тинчликни таъминлаш баҳонасида хонликни босиб олган жароенини батафсил ёритган¹³.

Муаллиф воқеалар тафсилотини давом эттириб, Насриддинбек, Отақул баҳодирбошининг яримподшога иззат-икром кўрсатиши, Отақулнинг халқдан уруш жаримаси — лак пули йиғиб олишдан ғазабга минган халқ уни ўлдириши, Пўлатхоннинг ўрисларга қарши кураши ҳақида маълумот берган¹⁴.

Узаро урушлар, қирғизлар, қипчоқлар, сартлар ўртасидаги низолар оқибатида ўлка ўрис ҳукумати томонидан босиб олинди. «Искоблиф (Скобелев)ни Туркистон генерал-губернатори фон Кауфман—яримподшо Фарғона музофотига военний губернаторлик мансабига тайинлаб», уездлар устидан назоратни қучайтирди ҳамда «Хўқанд шаҳри ичига бир ҳоким ташқари сидаги ҳамма қишлоқларни уезд қилиб, унга бир ҳоким тайинлади. Андижон, Уш, Наманган ва Риштоннинг ҳар қайсисини... ўз номида уезд қилди», деб ёзади

¹² Тарихи Азий, 312—313-б.

¹³ Тарихи Азий, 320, 322—324-б.

¹⁴ Тарихи Азий, 320—324-б.

Муҳаммад Азиз Бу маълумотларни, яъни хонлик ҳудудига 1 та шаҳар бошқармаси ва 7 та уезд ташкил тоғганини архив материаллари ҳам тасдиқлайди¹⁵.

Мамлакатнинг ўрис маъмурияти қўл остидаги ерли аҳолининг миллий аҳволи, зулмининг кучайиши, сиёсий чиқишлар муаллиф назаридан четда қолмаган. Мингтепалик Дукчи эшон қўзғолони ҳақида кенг тўхталиб, қўзғолоннинг бошланишидан ўрис тўралари хабар тоғани, уни мингтепалик мингбоши Абдуқаҳҳор пристав Каретуф (Коретов)га билдирганлиги, лекин эътибор берилмаганлиги, қўзғолон ва унинг бостирилиши, оқибатлари ишонарли фактлар билан ёритилган. Муҳаммад Азиз Дукчи эшон ҳақида ёзиб: "...халифанинг ўзида бир гуноҳ йўқ экан. Ниҳоятда шунча хислати бор эканки, ўзи меҳмондўст, дастурхонлик ва ошлику нонлик киши экан. ...Андижонда хўб тергов иқроқ қилдириб, қўл қўйдириб, сўнг ҳукм қилиб, дорга осиб ўлдириб, жасадини оҳак ичига солиб, номаълум жойга мадфун (дафн) қилдилар"¹⁶, — деб хабар беради.

Муаллиф қўзғолон оқибатларини курсатиб, мингтепалик аҳолининг ерлари тортиб олиниб, улар тақир ерларга кўчирилиб "подшонинг марҳамати билан янги қишлоқ бино бўлиб, номини Марҳамат волости деб ном қилинди ва ўрусия мужиклари кўчириб, олиб келинган", деб хулоса қилади¹⁷. Бу маълумотларни архив материаллари ҳам тасдиқлайди¹⁸.

Муаллифнинг: "Мингтепа қишлоқдан Муҳаммад Али халифа хуруж қилиб шундай шўришлар зуҳурга келган бўлса ҳам, обрўйи шунчаки, оқподшо импротури аъзам ҳазратлари полковник зиммасига айб қўймабди, балки катта ўринга кўтарибди. Марғилон уездидан олиниб Тошқандда жондорол (генерал)лик ўринга бориб турурга ёрлиг келди"¹⁹, — деб кўрсатиши кишини бифарқ қолдирмайди. Балки ўрис маъмурлари чуқур ўйланган мақсадларини амалга ошириш учун ҳам қўзғолондан хабардор бўла туриб, унинг олдини олмаган бўлишлари мумкиндир.

¹⁵ Об определении границы в Ферганской области.//УзРМДА, И—1-фонд, 77 рўйхат, 1523-йиғма жилд, 3-б; Тарихи Азизий, 312-б.

¹⁶ Тарихи Азизий, 380—382-б.

¹⁷ Уша асар, 384-б.

¹⁸ Работы в новом посёлке Минг-Тюбе //УзРМДА, И—19-фонд, 1-рўйхат, 24170-йиғма жилд, 205-б.

¹⁹ Тарихи Азизий, 380-б.



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/oz/asar/4495> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/4495> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию
можно найти на сайте
<https://kitobxon.com/ru/asar/4495>